

Тошкент давлат юридик
университети ректорининг
2017 йил “ 05 ” июндаги
08-186 -сон буйруғига
4-ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетининг
Хуқуқий тадқиқотлар маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат юридик университетининг (бундан буён матнда университет деб юритилади) Хуқуқий тадқиқотлар маркази (бундан буён матнда марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–1990-сон ҳамда 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетиди кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва саморадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–2932-сон қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

2. Марказ университетнинг таркибий бўлинимаси ҳисобланиб, долзарб ҳуқуқий муаммолар бўйича комплекс илмий тадқиқотларни амалга оширади.

3. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат қарорлари ва буйруқлари, университет устави, университет Кенгаши қарорлари, университет ректорининг буйруқларига ҳамда мазкур низомига мувофиқ олиб боради.

4. Марказ бевосита илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректорга бўйсунди.

II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий бозор ислохотларини чуқурлаштириш, шунингдек мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга университет ва республиканинг бошқа юридик таълим муассасаларининг амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислари, профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчилари ва талабаларини кенг жалб этиш;

университет, юридик таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига жорий этиш учун марказ томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижалари асосида юридик фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва илмий-методик материалларни ишлаб чиқиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлаш.

6. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий бозор ислохотларини чуқурлаштириш, шунингдек мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишда:

юридик фанлар ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда устувор ва истиқболли илмий йўналишларни белгилаш, илмий тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлаш;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар, илмий-техника дастурлари танловларида иштирок этиш, ушбу лойиҳалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга илмий шарҳлар ва аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммабоп рисоалар, юридик луғатлар, тарғибот материалларини тайёрлаш ҳамда чоп этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган материалларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб бориш;

б) марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга университет ва республиканинг бошқа юридик таълим муассасаларининг амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислари, профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчилари ва талабаларини кенг жалб этишда:

университет илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишда иштирок этиш;

университет кафедралари билан ҳамкорликда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талабларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

илм-фан ва таълим интеграциясини таъминлаш мақсадида фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш мақсадида тайёрланаётган докторлик диссертациялари, магистрлик диссертациялари ҳамда битирув малакавий ишларига илмий маслаҳатчи ва илмий раҳбарликни амалга ошириш, тайёрланган илмий ишланмаларга тақризлар бериш;

иқтидорли тадқиқотчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёш олимларнинг ижодий ўсишига кўмаклашиш;

юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, олимларнинг самарали ижодий фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга университет ва республиканинг бошқа юридик таълим муассасаларининг амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислари, педагог ходимлари, докторантлари, мустақил изланувчилари ва талабаларини кенг жалб этиш бўйича чоралар кўриш;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ва бошқа ташкилотлар, шунингдек етакчи хорижий таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) университет, юридик таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига жорий этиш учун марказ томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижалари асосида юридик фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва илмий-методик материалларни ишлаб чиқишда:

университетнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари ва бошқа дастурларни амалга ошириш;

ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил қилиш;

университетда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академикларини ҳуқуқий тадқиқотларни ўрганиш муаммоларига бағишланган тадбирлар ва илмий ишланмаларни тайёрлашга жалб этиш;

университет Ахборот-ресурс марказининг янги ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар билан таъминланиши ҳамда глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини янгилаб борилишига кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот ишларида иқтидорли талабалар ва ходимлар томонидан глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурслари имкониятларидан кенг фойдаланишни таъминлаш;

г) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлашда:

университет ва бошқа юридик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган олий ўқув юртлари ҳамда муассасалар билан ҳамкорликда юридик фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

юриспруденциянинг замонавий муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш бўйича электрон ахборот майдонларини (масофавий семинар, конференция ва илмий муҳокамалар) ташкил этиш;

конун ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

университет халқаро рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида нуфузли хорижий нашриётларда мақола ва таҳлилий материалларни нашр этиш;

ҳуқуқ соҳасида тадқиқот мавзулари бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар бериш орқали юридик фанни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;

марказ ходимларининг нуфузли миллий ва хорижий илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш ва стажировка ўташларини ташкил этиш ҳамда хорижий мамлакатларда ўтказилиши белгиланган илмий тадбирларда иштирок этишини таъминлаш;

марказ ва турдош илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда ҳамкорликни кучайтириш ва қўшма амалий ҳамда назарий йўналишдаги лойиҳалар устида ишлаш, форумлар ташкил этиш ва келгусидаги устувор илмий тадқиқот йўналишларини белгилаб бориш.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Марказ ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

университетнинг таркибий бўлинмаларидан бўлим фаолиятига тааллуқли материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

марказ қошида ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш ва бошқа ваколатларни амалга ошириш учун таҳлилий ва бошқа гуруҳларни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинадиган инновация лойиҳалари танловларида иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларини бажариш, шунингдек илмий-техник ишланмалар экспертизасини ўтказиш бўйича тегишли шартномалар тузиш;

университет фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди ва билимини намоён қила олган, жамоат ишларида фаол иштирок этган, турли соҳаларда ютуқларга эришган, фидойилик намунасини

кўрсатган бўлим ходимларини рағбатлантириш юзасидан университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

марказ фаолиятига доир ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Марказ:

университет Кенгашининг қарорлари ва ректорининг буйруқларида марказга юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга;

университет раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

фаолиятининг барча йўналишлари бўйича юқори самарадорликни таъминлашга, университет тадбирларида фаол иштирок этишга;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун белгиланган тартибда шахсий қабулларни ташкил қилишга;

меҳнат ва ижро интизоми ҳамда хизмат вазифаларига риоя қилишга, йиллик иш режаларнинг бажарилишини таъминлашга;

университет ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидаларига риоя этишга мажбур.

Марказга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш

9. Марказни адлия вазири ўринбосари – ректор томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган марказ раҳбари бошқаради.

10. Марказда раҳбар бошчилигида 1 нафар марказ раҳбари ўринбосари, 3 нафар етакчи илмий ходим ва 7 нафар катта илмий ходим фаолият юритади.

11. Марказ Давлат қурилиши ва бошқарувининг ҳуқуқий муаммолари бўлими, Бозор, ижтимоий-иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари бўлими ҳамда Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича муаммоларни ўрганиш бўлимларидан ташкил топган.

V. Яқуний қоида

12. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.